2025 YIL - ATROF-MUHITNI ASRASH VA “YASHIL IQTISODIYOT” YILI

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 21-noyabr, payshanba | № 46 (9314) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИЧА ИШЛАШ, ХАЛҚҚА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ ДАВРИ

Айни кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараёнлар кечмоқда. Яқинда бўлиб ўтган сайловлар натижаси бўйича янги парламент шаклланди. 20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлиси ўтказилди.

Йиғилишни Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилди.

Янгиланган Конституциямизнинг 94-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига киради. 118-моддага кўра, Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилади.

Шу муносабат билан мажлисда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

– Мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда, барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мураккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Халқимиз бугун янги ҳукуматдан аниқ натижаларни кутмоқда, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари, аввало, ўтган беш йилдаги дастурлар ижросига тўхталиб ўтди. Бу даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 карра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 3 минг долларга етиши кутилмоқда.

Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захиралари эса 40 миллиард доллардан ошди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 6 карра кўпайиб, бунинг ҳисобига 1,5 миллионта юқори даромадли иш ўринлари яратилди.

Сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Муқобил энергия улуши ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўпайди.

Мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошди. Барча ҳудудларда “Инсон марказлари” очилиб, ижтимоий ходимлар томонидан бевосита маҳаллаларда аҳолига 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган эди. Барча имкониятлар ишга солингани туфайли бу кўрсаткич жорий йилнинг ўзида 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Шундай суръат жадал давом эттирилса, 2030 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш салоҳияти борлиги таъкидланди. Бу аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кескин яхшилашга асос бўлади.

Хусусан, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустаҳкам ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш, тиббиётга ажратилаётган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш, йилига 150 минг квартирали янги замонавий уй-жойларни барпо этиш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги энг муҳим йўналишларга эътибор қаратди.

Биринчидан, макроиқтисодий мувозанатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлаш зарур. Бунда инфляция даражаси 5-6 фоиз, бюджет тақчиллиги 3 фоиз доирасида бўлишига эришиш, йиллик кредитлаш ҳажмини 30 миллиард долларга олиб чиқиш асосий вазифа бўлади.

Иккинчидан, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланади. Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража – 5-6 фоиздан оширмаслик бўйича долзарб вазифаларни ҳам самарали ҳал этиши лозим.

Учинчидан, иқтисодиёт ва аҳоли даромадларини ўстиришда юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш керак. Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция комплекси келгуси йилда, иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган 300 дан зиёд йирик лойиҳани ишга тушириши зарур. Иқтисодиётни энергия ресурслари билан ишончли таъминлаш ва энергия самарадорлигини 2 карра ошириш ҳам муҳим масала.

Тўртинчидан, келгуси беш йилда иқтисодиётнинг хусусий сектордаги улушини 85 фоизга етказиш ҳам асосий вазифалардан биридир. Бу борада 2 мингта корхонада давлат улушини, 5 мингдан зиёд кўчмас мулк объектини сотиш, 16 та йирик мажмуа акцияларини IPOга чиқариш талаб этилади. Ҳукумат 30 миллиард долларлик хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаши керак.

Бешинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат бу соҳадаги дастурлар ижросини таъминлаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиши зарур.

Таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш, ижтимоий хизматларни яхшилаш вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 3-саҳифада)

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли мажлис иштирокчилари!

Бугун янгиланган Конституциямизга мувофиқ, илк бор қуйи палатада Бош вазир лавозимига номзод ва Ҳукуматнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур.

Бу масаланинг нақадар муҳимлиги, ўйлайманки, ҳаммамизга яхши аён. Нега деганда, мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда, барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, Ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мураккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, бугун мутлақо янги ваколат ва вазифаларга эга бўлган Ҳукумат шаклланмоқда. Бу фикрни Конституция даражасида биринчи марта камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, инвестиция, экология каби муҳим йўналишларда Вазирлар Маҳкамасининг мажбуриятлари белгилаб қўйилгани ҳам тасдиқлайди.

Халқимиз бугун ана шундай ҳал қилувчи масалалар бўйича янги Ҳукуматдан аниқ натижаларни кутмоқда.

Асосий масалага ўтишдан олдин ўтган 5 йилда ҳар томонлама пухта ўйлаб қабул қилинган дастурлар ижроси қандай таъминлангани ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 2018 йилдаги 1 минг 600 доллардан 3 минг долларга етиши кутилмоқда. Жаҳон банки 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти энг тез ўсаётган 3 та давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Камбағаллик даражаси сўнгги 4 йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Бу йил яна 106 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, 9 фоизга тушиши кутилмоқда.

Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захираларимиз эса 40 миллиард доллардан ошди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 6 карра кўпайиб, бунинг ҳисобига 1,5 миллион юқори даромадли иш ўринлари яратилди. Ялпи ички маҳсулотда инвестициялар улуши 30 фоиз даражасида таъминлангани иқтисодиётимиз ривожи учун келгуси йилларда ҳам мустаҳкам замин яратмоқда.

Илгари тўлиқ давлат тасарруфида бўлган соҳалар, яъни, энергетика, кимё, авиация, геология, металлургия, машинасозлик, таълим ва тиббиётда хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик муносабатларига кенг йўл очганимиз уларнинг ривожида кучли омил бўлди.

Айниқса, энергетика соҳасида том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳажми 1,5 карра ўсиб, 80 миллиард киловатт-соатга етгани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Муқобил энергия улуши ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўпайди.

(Давоми 2-саҳифада)

КЎЗДА ТУТИЛГАН ИШЛАР БЕЛГИЛАНГАН РЕЖА АСОСИДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

“Сурхондарёсувқурилишинвест” давлат муассасаси буюртмачилигида жорий йил Давлат дастури доирасида ҳам кенг кўламли ирригация-мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда вилоятимизда 1 ноябр ҳолатига кўра 110 599,1 млн.сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, бу йиллик лимитга нисбатан 91 фоизни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги тегишли қарорига асосан 2024 йил Давлат дастури доирасида ирригация-мелиорация объектларига жами 87 547,2 млн. сўм капитал маблағ ажратилган. Бунда ирригация объектларини реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 81 815,0 млн.сўми ҳисобига 3 та йилдан-йилга ўтувчи ҳамда 12 та янгидан бошланувчи ирригация объектларида 48,5 км. каналларни, 0,8 м3/сек қувватли насос станцияларини, 2,5 км. қувурларни, 1 дона ГТИ нореконструкция қилиш ва қуриш, 3 дона ГТИларни сел-тошқин сувларидан ҳимоялаш, сиғими 6,1 млн. м³ ҳажмдаги сел сув омборини қуриш ишларини якунлаш ҳамда мавжуд сув омборларини хавфсиз эксплуатация қилиш ишларини бажариш режалаштирилган. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 75732,0 млн.сўмлик 48,5 км. каналларни, 0,3м³/сек қувватли насос станцияларини, 2,5 км. қувурларни, 2 дона ГТИларни сел-тошқин сувларидан ҳимоялаш, 6,1 млн. м³ ҳажмдаги сел сув омборини қуриш ишларини якунлаш ҳамда 2 та мавжуд сув омборини хавфсиз эксплуатация қилиш ишлари йиллик лимитга нисбатан 93 фоизга бажарилди. Жами 15 та объектда қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунига



етказилиб, фойдаланишга топширилиши натижасида 38 минг 226 гектар ер майдони сув билан тўлиқ таъминланади.

Худди шунингдек, мелиорация бўйича ҳам кўзда тутилган ишлар белгиланган режа асосида, ўз вақтида олиб борилмоқда. Мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 5 732,2 млн. сўм лимит ҳисобига 2 та янгидан бошланувчи мелиорация объектида 7,7 км. очиқ коллекторларни, 5,6 км. ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини, 12 дона ГТИларни янгидан қуриш ҳамда 60 дона кузатув қудуқларига DIVER қурилмаларини ўрнатиш ишларини бажариш режалаштирилган эди. Биринчи ноябр ҳолатига 5572,3 млн. сўмлик 7,7 км. очиқ коллекторларни, 5,6 км. ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини, 12 дона ГТИларни янгидан қуриш ҳамда 60 дона кузатув қудуқларига DIVER қурилмаларини ўрнатиш ишлари йиллик лимитга нисбатан 97 фоизга бажарилди. Жами 2 та объектда қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунига етказилиб, фойдаланишга топширилиши натижасида 683 гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Мелиорация объектларини тизимли таъ-



мирлаш-тиклаш ишлари бўйича 1 ноябр ҳолатига кўра, 29294,8 млн. сўмлик 1 309,4 км. узунликдаги коллектор тармоқларини, 188,3 км. узунликдаги ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ҳамда 435 дона кузатув қудуқларини таъмирлаш ва “Дивер” қурилмаларини ўрнатиш ишлари йиллик лимитга нисбатан 87 фоизга бажарилди. Жами 17 та объектда қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунига етказилиб, фойдаланишга топширилиши натижасида 36 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилади.

Шоймардон ҚУЛМАТОВ,
“Сурхондарёсувқурилишинвест” давлат муассасаси директори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Н. АРИПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ВАЗИРИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йил 20 ноябрдаги қарори билан Бош вазир лавозимига А.Н.Арипов маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ, **Абдулла Нигматович Арипов** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 20 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОНДА ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАЛАРИ НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

Мамлакатимизда ветеринария ва чорвачилик соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.



Соҳани ривожлантиришда фан, таълим ва илмнинг ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаган ҳолда маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилишнинг “хўжаликдан дастурхонгача” тамойили асосида механизми йўлга қўйилди ҳамда олдин бўлмаган вертикал бошқарув тизими ташкил этилди. Бунда, чорва молларининг наслини яхшилаш, озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, наслчилик-селекция ишлари, ҳудудларда эпизоотик осойишталик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган инновацион услубларни жорий этишда илмий ёндашувлар асосида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ветеринария илмий-тадқиқот институти 2017 йилда қўмита тасарруфига ўтказилганидан сўнг соҳадаги долзарб муаммоларга илмий ёндашувлар асосида ечим топишга қаратилган умумий қиймати 20 млрд. сўмга яқин бўлган 17 та амалий ва 4 та инновацион лойиҳалар амалга оширилди. Институт қошида давлат ва хусусий шерикчилик асосида иккита қўшма корхона ишга туширилди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш участкаларига жами 1,5 млрд. сўмлик инвестиция киритилди. Ушбу участкаларда 22 турдаги ветеринария препаратлари ишлаб чиқарилди ва жорий йил ҳолатига кўра жами 8,376 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шартнома асосида хўжаликларга жорий қилинди.

(Давоми 3-саҳифада)

Парламент назорати – бу, аввало, “халқ назорати, халқ сўрови”

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Боши 1-саҳифада)

Яна бир муҳим ўзгаришга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўтган даврда 25 мингдан зиёд хусусий боғча, 70 га яқин нодавлат олийгоҳи ташкил этилиб, қамров мактабгача таълимда – 74 фоиздан, олий таълимда эса – 39 фоиздан ошди.

Ижтимоий хизматлар тизимида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Барча ҳудудларда “Инсон” марказлари очилиб, ижтимоий ходимлар томонидан бевосита маҳаллаларда аҳолига 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Парижда бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида азму шижоатли спортчиларимиз чинакам рекорд натижаларни қайд этиб, жами 39 та медаль, жумладан, 18 та олтин медални қўлга киритдилар. Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон бўлмаган бундай ютуқлар барчамизга янги куч-ғайрат бахш этиши табиийдир.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Жаҳон миқёсида ҳукм сураётган бугунги ўта кескин ва оғир шароитда юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб, иқтисодиётимизда барқарор ўсишни таъминлаб, мана шундай марраларга эришиш осон бўлмаганини барчамиз яхши тушунамиз.

Мана, ўзингиз кўряпсиз, аҳолимиз 37 миллиондан ошди. Келгуси 5 йилда эса, Худо хоҳласа, 40 миллиондан ортиши кутилмоқда. Бундай демографик ўсиш, албатта, катта имконият, лекин, шу билан бирга, бу ҳолат олдимизга янги-янги, ўткир вазифаларни қўйиши ҳам шубҳасиз.

Айниқса, камбағалликни қисқартириш, экология, энергетика, транспорт, йўл, ичимлик суви таъминоти, аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби муҳим соҳаларда халқимизнинг талаб ва эҳтиёжлари тобора ўсиб бормоқда.

Ана шундай долзарб муаммоларга самарали ечимлар топиб, янгича фаолият олиб бориш Ҳукумат учун жиддий синов бўлиши табиий, албатта. Бугун Бош вазир лавозимига тавсия этиладиган номзод ана шу масалаларнинг барчасини ҳисобга олиб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ўз дастурини тақдим этади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида келгуси йиллар учун катта марраларни белгилаб олганимиздан хабарингиз бор. Хусусан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўйган эдик.

Очиқ айтиш керак, дастлаб бунга айрим кишилар шубҳа ёки иккиланиш билан қарагани ҳам бор гап. Лекин, ўз вақтида зарур чора-тадбирларни амалга оширганимиз, барча имкониятларни ишга солганимиз туфайли бу йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Янги Ҳукумат, барча раҳбарлар биргаликда қаттиқ ишлаб, ислоҳотларимиз шиддатини пасайтирмасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётимиздаги ўзгаришларни жадал давом эттирсак, 2030 йилга бориб, иқтисодиётимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказа олишимизга мен албатта ишонаман.

Тўғри, бу кичкина рақам эмас. Лекин эришса бўладиган марра. Бу натижани таъминлаш орқали аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кескин яхшилашга эришамиз. Хусусан, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириш, эҳтиёжманд аҳоли учун мустаҳкам ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш, тиббиётга ажратилаётган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш, йилига 150 минг квартирали янги замонавий уй-жойларни барпо этиш имконияти яратилади.

Яна бир бор айтаман, бундай натижаларга эришиш учун куч ва имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етади.

Бу борада энг муҳим йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, макроиқтисодий мувозанатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлашимиз зарур.

Бунда инфляция даражаси 5-6 фоиз, бюджет тақчиллиги 3 фоиз доирасида бўлишига эришиш, йиллик кредитлаш ҳажмини 30 миллиард долларга олиб чиқиш асосий вазифа бўлади.

Ушбу даврда Ҳукумат камида 100 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштиришга ҳамда йиллик экспорт ҳажмини 2 баробар ошириб, 45 миллиард долларга олиб чиқиш, унда тайёр маҳсулотлар улушини 50 фоизга етказишга эришиши лозим.

Хорижий туристлар оқимини 5 йилда 15 миллион нафарга, туризм хизматлари экспортини 5 миллиард долларга олиб чиқиш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаш зарур.

Шу билан бирга, норасмий иқтисодиётни “соядан чиқариш”да рақамли технологияларни таянч воситага айлантириш лозим. Хусусан, келгуси йилда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада рағбатлантириб, онлайн тўловлар улушини 60 фоизга етказиш Ҳукумат ва Марказий банкнинг муҳим вазифаси бўлади.

Биз Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида асосий чора-тадбирларни амалга оширдик ва яқин йилларда ушбу ташкилотга албатта аъзо бўлиб киришимиз керак.

Иккинчидан, жорий йилда Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор, Ғиждувон туманларида амалга оширилган ишларнинг ижобий натижалари асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” комплекс дастурини қабул қилдик.

Энди, кўп қиррали ёндашувлар асосида, камбағал оилаларнинг аъзоларига сифатли таълим бериш, уларни касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлиғини яхшилаш, психологик ёрдам кўрсатиш бўйича кўмак бериш пакетлари индивидуал бўлади.

Ишни маҳаллабай ташкил қилиб, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланади.

Шу мақсадда камбағал оилаларга мансуб болалар мактабларда чет тили, касб-ҳунар ва IT бўйича бепул билим олиши учун 500 миллиард сўм ажратилади. Ижтимоий аҳволи оғир мингта маҳаллада инфратузилмани яхшилаш дастури амалга оширилади. Бунга 2 триллион сўм йўналтирилади. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланади.

Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража – 5-6 фоиздан оширмаслик бўйича долзарб вазифаларни ҳам самарали ҳал этиши лозим.

Учинчидан, иқтисодиёт ва аҳоли даромадларини ўстиришда юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция комплекси келгуси йилда иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган 300 дан зиёд йирик лойиҳани ишга тушириши ва тўлиқ қувватлар билан ишлашини таъминлаши зарур. Жумладан, “Ёшлик I” конида биринчи босқичга, “Мурунтов” конида эса кейинги босқичларга старт берилади. Шунингдек, Самарқанд вилоятида йилига 910 минг тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган комплекс, 600 минг тонна маҳсулот берадиган металлургия корхонаси, Зарафшонда каустик сода заводи, Нукусда иситиш тизимлари ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилади.

Юртимизда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш имкониятларини тўлиқ ишга солиш учун барча шароитлар мавжуд. Навоийда микро ГЭСларни барпо этиш бўйича барча босқичлар ўз ресурсларимиз асосида ташкил қилингани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шунинг учун саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш бўйича катта дастур қабул қиламиз. Янги таркибдаги Ҳукумат яқин беш йилда чуқур қайта ишланган саноат маҳсулотлари улушини 32 фоизга етказишни асосий вазифа сифатида белгилаб олиши зарур.

Яна бир муҳим масала – иқтисодиётни энергия ресурслари билан ишончли таъминлаш ва энергия самарадорлигини 2 карра оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Келгуси йили мамлакатимизда 90 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариб, аҳоли ва иқтисодиёт талабларини тўлиқ таъминлаш лозим. Бунда қайта тикланувчи энергия қувватлари 25 гигаваттга, уларнинг жами истеъмолдаги улуши 40 фоизга етказилади.

Тўртинчидан, келгуси беш йилда иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини 85 фоизга етказиш ҳам асосий вазифалардан биридир.

Бу борада 2 мингта корхонада давлат улушини, 5 мингдан зиёд кўчмас мулк объектини сотиш, 16 та йирик мажмуа акцияларини IPO га чиқариш талаб этилади. Ҳукумат 30 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаши керак.

Вазирлар Маҳкамаси 2025 йилда “тежамкорлик ва барқарорлик” тамойили асосида давлат компанияларини трансформация қилишни тезлаштириб, уларнинг харажатларини 15-20 фоизга қисқартириши зарур. Бу борада 1 миллиард долларлик 18 та давлат компаниясининг улуши берилган Миллий инвестиция жамғармаси фаолиятини самарали йўлга қўйиш лозим.

Бешинчидан, аҳолимиз сони кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб қолади.

Бу борада қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, аввало, мева-сабзавотчиликни интенсив ривожлантириш, янги уруғ навларини яратиб, импортни 50 фоизга қисқартириш бўйича дастурларимиз бор.

Ҳукумат бу дастурлар ижросини таъминлаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш, соҳада экспорт ҳажми 10 миллиард доллардан иборат бўлиши, сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ер майдонларини 2 карра ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этиши зарур.

Янги йилда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун 5 триллион сўм, каналларни бетонлаш учун 800 миллиард сўм йўналтирилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Соғлиқни сақлаш, таълим ва спортни ривожлантириш бўйича катта дастурларни самарали ва тўлиқ амалга ошириш – ҳамиша Ҳукуматнинг кун тартибида туриши керак бўлган асосий вазифалардир.

Биринчидан, ўртача умр кўриш даражасини 78 ёшга етказиш учун бирламчи тиббий хизматларнинг аҳоли учун қулайлиги ва сифатини ошириш зарур. Хусусан, 2025 йилда бирламчи бўғинда 3 миллион 700 минг нафар аёлни скрининг текширувидан ўтказиш, бу жараённи рақамлаштириш орқали саратон касаллигини эрта аниқлаш кўрсаткичини ҳозирги 60 фоиздан 85 фоизга етказиш мумкин.

Ҳукумат маҳаллалардаги 18 мингта тиббиёт бригадаларини ўқитиш, 884 минг нафар беморни уй шароитида реабилитация билан қамраб олиш бўйича янги тизимни жорий этади. Шу билан бирга, туғруқхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга 100 миллион доллар йўналтирилади.

Давлат тиббий суғуртаси ва аҳолига кафолатланган пакет асосида тиббий ёрдам кўрсатиш тизими келгуси уч йилда барча шаҳар, туман ва қишлоқларни қамраб олиши зарур. Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш каби масалалар бўйича Ҳукумат алоҳида дастурлар ишлаб чиқиши лозим.

Иккинчидан, таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган сиёсатимиз изчил давом эттирилади.

Келгуси йилларда боғчаларда қамровни 80 фоизга, олийгоҳларда эса камида 50 фоизга етказиш Ҳукумат учун асосий вазифа бўлиб қолади. Халқаро молия институтларининг 61 миллион доллар маблағлари ҳисобидан 2025 йилда 252 та янги боғча барпо этилади. Шунингдек, 174 та боғча ва 379 та мактаб таъмирланади ва янгитдан қурилади. Бу мақсадлар учун бюджетдан 4 триллион сўм ажратилади.

Тадбиркорларга мактаб қуриш учун 20 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилади. Бунда кредит ставкасининг 13,5 фоиздан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилади.

Муҳтарам депутатлар!

Юқорида айтилган долзарб вазифаларни бажаришда янги Ҳукуматнинг Қонунчилик палатаси билан янада самарали ҳамкорлик олиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, янги таркибдаги Вазирлар Маҳкамаси олдида турган устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Аввалambор, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини одамларга янада яқинлаштириш лозим.

Шу ўринда барча раҳбар кадрлар фаолиятининг асосий мезони бўлган бош талабни яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Яъни, **халқ давлат идораларига эмас, аксинча, давлат ташкилотлари халққа, унинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши зарур.**

Жорий йилда қонунлар ижросини доимий баҳолаб бориш бўйича янги тизимни йўлга қўйганимиздан кўзланган мақсад ҳам шундан иборат. Қонун қабул қилиндими, у албатта ишлаши керак ва одамлар ҳаётида сезиларли ўзгариш бўлиши лозим. Қонунлар ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргаликда ўрганиб борилиши керак.

Яна бир муҳим масала. Ижро этувчи ҳокимият органлари қарорлар қабул қилишда қонунийликни, уларнинг асосланган бўлишини таъминлаши лозим.

Кейинги вақтда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик билан маслаҳат қилишда қонунларимизда белгиланган талабларга ҳамиша ҳам риоя этилмаяпти. Адлия вазирлиги бир ой муддатда бу масала бўйича таклифларни Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси билан бирга муҳокама қилади ва Ҳукуматга киритади.

Ҳукуматнинг қонунчилик ташаббуси билан Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари сифатини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб турибди.

Даврнинг ўткир талабларига жавоб берадиган, сифатли, амалиётда самарали ишлайдиган қонунларни қабул қилиш Олий Мажлиснинг энг муҳим вазифаси, керак бўлса, унинг обрўсидир. Бу борада таниқли хитой файласуфи Шан Яннинг **“Яхши қонун – халққа ҳурмат ифодасидир”**, деган сўзларини эслаш ўринли, деб ўйлайман.

Эътиборингизни **яна бир масалага** қаратмоқчиман. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда қуйи палата қўмиталари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозим. Лекин ҳозирги вақтда турли соҳаларда назоратни таъминловчи давлат инспекцияларининг Қонунчилик палатаси қўмиталари билан ҳамкорлик тизими йўлга қўйилмаган.

Шу боис, уларнинг ҳисоботларини қўмиталарда муҳокама қилиб бориш бўйича янги, таъсирчан тизимни жорий этсак, ўйлайманки, парламент назорати самарадорлиги янада ошади.

Қолаверса, бу иш самарали бўлиши учун вазирлик ва идораларда раҳбар ўринбосарларини қуйи палата қўмиталари билан доимий ҳамкорлик учун масъул этиб бириктирсак, нима дейсизлар?

Албатта, бу биринчи раҳбарлар зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди, палаталар билан ҳамкорлик учун сўров, аввалambор, улардан бўлади.

Умуман олганда, парламент ва Ҳукумат ўртасидаги муносабат қарама-қаршиликка эмас, конструктив мулоқотга асосланиши зарурлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Шу билан бирга, **парламент назорати – бу, аввало, “халқ назорати, халқ сўрови”** эканини унутмаслик лозим. Афсуски, парламент сўрови, депутат сўровига юзаки ёндашиб, унга енгилелпи муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Бу борада барча раҳбарлар масъулият ва жавобгарликни тўлиқ ҳис этиши лозим. Ушбу масалага беписанд қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Парламент ва депутат сўровларига жавоб аниқ ва мазмунли бўлиши, сўров кимга йўлланган бўлса, шахсан шу раҳбар томонидан жавоб берилиши шарт. Сўровларни юбориш ва қабул қилиш онлайн тизимга ўтаётгани бу борадаги муаммоларга ечим бўлишига ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун **самарали ташқи сиёсат олиб бориш, дўст ва ҳамкорларимиз доирасини кенгайтириш, яқин қўшниларимиз билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш** ўта муҳим вазифадир.

Шу мақсадда, аввало, Ташқи сиёсат концепциясини янги таҳрирда қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайман. Марказий Осиё давлатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташқи сиёсатимизда устувор йўналиш бўлиб қолади.

Келгуси йили юртимизда бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё бешлиги” учрашуви, ҳеч шубҳасиз, шу йўлдаги яна бир улкан амалий қадам бўлади. Ушбу анжуманда эркин савдо зонасини, бизнес ва инвестициявий фаоллик, илмий, технологик ва ишлаб чиқариш кооперацияси марказини яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам шундай деб айтишга асос беради.

Ҳозирги вақтда фуқароларимиз Қирғизистонга ID карта билан бемалол бориб-келмоқдалар. Энди шундай тартибни Қозоғистон ва Тожикистон билан ҳам жорий этамиз.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа етакчи ҳамкор давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан самарали ва тизимли алоқаларни янада ривожлантириш доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги йиғилишда иштирок этаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлаймиз.

Ислоҳотларимизни чин дилдан қўллаб-қувватлаб келаётганингиз, ҳудудларимизга чиқиб, янгиланиш ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиб, ўз давлатларингиздаги тажрибаларни биз билан ўртоқлашаётганингиз учун сизларга ўз номимдан, халқимиз номидан миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун бутун дунё ниҳоятда нотинч ва таҳликали вазиятда яшаётганини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Мана шундай мураккаб даврда **давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини энг бебаҳо бойлик сифатида асраш ва ҳимоя қилиш** энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур: мамлакатимиз хавфсизлиги, юртимиз мудофааси нафақат Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, балки Ўзбекистонни ўзи учун она Ватан деб биладиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларнинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун ягона Ватан, кўп миллатли ягона аҳил оила туйғуси ҳар биримизнинг қалбимиз, юрагимиздан чуқур жой олиши лозим.

Дунёда турли хатар ва таҳдидлар авж олиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга эътиборни янада кучайтирамиз.

Ёшларимиз онгу тафаккурида миллий ғурур билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш зарур. Фарзандларимизни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, уларни илм-фан, IT технологиялар, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан ошно этиш учун ҳеч нарсани аямасдан, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бугун фақат мана шундай илғор ёшларга, мана шундай жонкуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади.

Шу муносабат билан яқинда Навоий вилоятида айтган фикримни такрорлашни зарур деб биламан.

Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири – иқтисодиёт, бири – маънавиятдир. Маънавий буюк халқ – иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади.

Айни вақтда биз жамиятимиздаги очиқлик ва эркинлик муҳитини, миллатлар ва динлар ўртасидаги аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, виждон эркинлигини таъминлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттирамиз.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар, янги Ҳукумат, ҳоким ва вазирларимиз мана шу вазифаларнинг моҳиятини тўғри англаб, муҳтарам фахрийларимиз, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ва касаба уюшмалари ташкилотлари, илмий ва ижодий зиёлиларимиз билан бир ёқадан бош чиқариб, фаол иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Азиз юртдошлар!

Кўриб турганингиздек, олдимизда ғоят улкан марралар турибди. Янги Ўзбекистонимиз янги парламенти билан бирга ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига қадам қўймоқда.

Албатта, бу янги даврда энди эскича ишлаб бўлмайди. Шу боис, Ҳукумат ўз фаолиятини мутлақо янгича асосда ташкил этиши керак. Бунинг учун унга кучли раҳбар, яъни, Бош вазир зарурлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Мен бу масала ҳақида атрофлича ўйлаб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Нигматович Арипов номзодини кўрсатишга қарор қилдим.

Бу раҳбарни барчангиз яхши танийсиз. Абдулла Арипов катта ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлган, ижро ҳокимияти тизимида бой билим ва тажриба орттирган, масъулиятни доимо чуқур ҳис этадиган раҳбардир. У Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур тушунади, балки уларни амалга оширишда чинакам жонбозлик кўрсатиб келаётган раҳбарларимиздан бири, десак, тўғри бўлади.

У киши билан анча йиллар давомида бирга ишлаб, шунга амин бўлдимки, давлат миқёсидаги йирик дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда доимо талабчанлик ва жонкуярлик билан ёндашади. Абдулла Арипов масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчимаслиги, аҳоли билан мулоқот учун ҳар доим очиқлиги, меҳнаткашлиги ва камтаринлиги билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган.

Ушбу номзод бугун Ҳукумат олдига қўйилган, кўлами ва миқёси бениҳоя катта бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини самарали ташкил қилади, Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарларини бирлаштириб, ягона мақсад сари сафарбар эта олади, деб ишонаман.

Ҳозирги мураккаб даврда бу жуда муҳим. Шу боис, бугун ана шу номзодни сизларнинг муҳокамангизга тақдим этмоқдаман.

Сиз, ҳурматли депутатлар ва фракциялар раҳбарларидан ушбу номзод ҳамда бўлғуси Ҳукуматнинг келгуси беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

* * *

Муҳтарам ватандошлар!

Энди, анъанамизга мувофиқ, келгуси йилда эътиборимиз марказида бўладиган энг устувор йўналиш бўйича маслаҳатлашиб олсак.

Бугун нафақат биз, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилмоқда. Ҳаво ва суввинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал исишга, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда.

Биз бу масаланинг оқибатларини олдиндан кўриб, мазкур йўналишда катта ишларни олиб боряпмиз. Бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳозирги кунга келиб чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ушбу дастур қатор ҳудудларда, жумладан, Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришдик. Пойтахтимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлдик. Айни вақтда “яшил” энергетика иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айланмоқда.

Биз янги йилга ном бериш масаласида эл-юртимизнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш-истакларини атрофлича ўргандик. Билдирилган тавсиялардан келиб чиққан ҳолда, бошлаган ишларимизни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен 2025 йилни юртимизда **“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Биз табиат ҳақида сўз юритганда, кўпинча “она табиат” деган иборани ишлатамиз. Ўйлайманки, бу шунчаки чиройли, шоирона сўз эмас, балки унинг замирида чуқур ҳаётий ҳақиқат бор.

Биз мўътабар она зотини қандай юксак ҳурмат-эҳтиром қилсак, ўзимизни қуршаб турган табиатга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз зарур.

Зеро, **табиатни асраш – инсонни асраш демакдир.**

Албатта, янги сайланган Бош вазиримиз раҳбарлигидаги ҳукумат йил номида белгиланган энг муҳим вазифалар бўйича давлат дастурини ишлаб чиқади. Ушбу дастурда “яшил” технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, кўкаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби масалалар устувор аҳамият касб этиши зарур.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бугун сиз, азизлар билан, халқимиз билан юртимиз тараққиётидаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу даврнинг қандай бўлиши биргаликда ўз олдимизга қўйган улкан мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишимизга боғлиқ.

Ишончим комил, бу – **Янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр** бўлади.

Бу давр парламент ва Ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли анъаналар шаклланадиган ва тарихга муҳрланадиган давр бўлади.

Келажак авлодлар албатта фахр билан тилга оладиган ана шундай буюк тарих ва келажакни яратиш бизнинг ўз қўлимизда.

Кейинги уч кун мобайнида сиз, азизлар билан, кенг жамоатчилигимиз билан мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти ҳақида атрофлича фикр алмашдик. 2024 йилда – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да бажарган ишларимизга якун ясадик.

Парламентимизда – “Халқ уйи”да депутатлар билан муҳокама қилинган барча ташаббус ва режаларни, уларда илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифаларни, моҳият эътиборига кўра, **Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатнома** десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Сиз, ҳурматли депутатлар ва Ҳукуматимиз аъзолари, каттаю кичик барча раҳбарлар мана шу Мурожаатномада белгилаб берилган улкан вазифаларни амалга оширишда фидойилик ва намуна кўрсатиб меҳнат қиласизлар, деб ишонаман.

Мана шундай шарафли мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Ўзбекистонда илк бор "Ўзбекистонда криветкаларни ишлаб чиқариш ва балиқ озуқаси технологиясини ишлаб чиқиш" лойиҳаси амалга оширилмоқда

ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИЧА ИШЛАШ, ХАЛҚҚА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ ДАВРИ

(Боши 1-саҳифада)

Президентимиз бу мақсадларга эришиш учун ҳукумат билан парламент ҳамкорлиги муҳим эканини таъкидлади.

Аввалambор, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини одамларга янада яқинлаштириш лозим. Қонунлар ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргаликда ўрганиб борилиши керак.

Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда қуйи палата қўмиталари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозим. Шу боис турли соҳаларда назоратни таъминловчи давлат инспекцияларнинг ҳисоботларини Қонунчилик палатаси қўмиталарида муҳокама қилиб бориш бўйича янги тизимни жорий этиш ташаббуси илгари сурилди.

Парламент назорати – бу, аввало, "халқ назорати, халқ сўрови" экани таъкидланди. Бу борада барча раҳбарлар масъулият ва жавобгарликни тўлиқ ҳис этиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, яқин қўшнилар билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди. Шу мақсадда Ташқи сиёсат концепциясини янги таҳрирда қабул қилиш зарурлигини айтди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа етакчи ҳамкор давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан самарали ва тизимли алоқаларни янада ривожлантириш доимо эътибор марказида бўлиши қайд этилди.

Ҳозирги таҳликали даврда давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа экани таъкидланди. Шу боис Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга эътибор янада кучайтирилади. Ёшларни замонавий билим ва касб эгалари этиб тарбиялашга катта имкониятлар сафарбар этилади.

– Бугун фақат мана шундай илғор ёшларга, мана шундай жонкуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади, – деди мамлакатимиз етакчиси.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Арипов номзодини тақдим этди.

А.Арипов Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурини баён қилди.

Мазкур номзод ва дастур муҳокамаси юзасидан сиёсий партиялар фракция раҳбарлари ҳамда депутатлар ўз фикрларини билдирди.

Яширин овоз бериш натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Арипов номзоди маъқулланди. Бу бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди.

Мажлис якунида келгуси йилги устувор йўналиш ҳам муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев 2025 йилни юртимизда "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили деб эълон қилишни таклиф этди. Бу борадаги муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилди.

– Бугун халқимиз билан юртимиз тараққиётидаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқдамиз. Ишончим комил, бу – Янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр бўлади. Бу давр парламент ва ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли анъаналар шаклланадиган ва тарихга муҳрланадиган давр бўлади, – деди Президент сўзининг якунида.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОНДА ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАЛАРИ НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти томонидан қорамоллар генотипини ўрганиш, уларнинг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини олдиндан аниқлаш имконини берадиган, геном селекцияси натижасида қорамолларни эрта танлаш ва саралаш пода маҳсулдорлигини 50 фоизгача ошириш имконин берувчи генетик паспортлаштириш бўйича тадқиқотлар йўлга қўйилди. Ушбу тадқиқотларда Ўзбекистонда илк бор Бушуев зотига мансуб буқа генетик таҳлил қилинди ва генетик паспорти яратилди. ДНК таҳлиллари халқаро генетик базага киритилди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги КОПИА маркази билан ҳамкорликда Жанубий Кореянинг ТОП-10 талигига кирувчи голштин зотли юқори маҳсулдор наслли буқа уруғлари олиб келиниб, 14 та фермер хўжаликларида сунъий уруғлантириш ишлари амалга оширилди ва биринчи F1 авлодлари олинмоқда. Келгусида Корея буқалари уруғидан туғилган бузоқлар сертификацияланади ва янги типи яратилади. Ўзбекистонда илк бор ўтган йили АҚШ ва Жанубий Кореядан юқори маҳсулдор Голштин зотли сигирлардан олинган эмбрионлар олиб келиниб, эмбрион трансплантация ишлари йўлга қўйилди.

Паррандачилик йўналишида хонаки паррандаларнинг янги кроссларини яратишга қаратилган илмий изланишлар йўлга қўйилган ва хозирда хонаки паррандаларнинг ота-оналик галалари парвариш қилиниб, уларнинг оталган тухумлари ва инкубатордан чиққан жўжалари аҳолига тарқатилмоқда. Шунингдек, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан сут таркибидаги антибиотик моддаларини аниқловчи биосенсор яратилди.

Балиқчилик илмий-тадқиқот институти томонидан ҳам бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, институтида янги лабораториялар ташкил этилди ва 50 дан ортиқ замонавий лаборатория жиҳозлари билан бутланди. Институт ва Жанубий Кореянинг Каннин-Вонджу миллий университети ўртасида меморандум имзоланди. Мазкур ҳамкорлик асосида Ўзбекистонда илк бор қиймати 1,2 млн. долларлик "Ўзбекистонда криветкаларни ишлаб чиқариш ва балиқ озуқаси технологиясини ишлаб чиқиш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Давлат хусусий шериклик шартлари асосида институтда қиймати 50 млрд. сўмлик лойиҳа ишга туширилди. Бунинг натижасида институт олимларининг илмий ёндашуви, яратилган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳамда хусусий тадбиркорнинг сармояси ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми 5 баробарга оширилиб, йилига 1000 тоннага етказилди.

Қўмита тасарруфидаги ушбу илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Жахон Банкининг 15 млн. доллар маблағлари жалб этилган бўлиб, ҳозирда моддий-техник базани мустаҳкамлаш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Албатта, ҳар бир соҳанинг ривожланишида мутахассис кадрларнинг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 31 мартдаги қарори билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ташкил этилиб, соҳада сифатли кадрлар тайёрлашнинг янгича механизмлари йўлга қўйилди. Бугунги кунда университетнинг Нукус ва Тошкент филиаллари ҳам соҳада кадрлар тайёрлаш борасида муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш мақсадида эса қўмита тасарруфида 5 та ветеринария медицинаси техникумлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

Университет ва унинг филиалларида жами 10 минга яқин талабалар таҳсил олмоқда. Ўтган ўқув йилида университет ва унинг филиалларини 1913 нафар талаба муваффақиятли битирди. Уларнинг 1455 нафари ёки 76 фоизи ветеринария ва зооинженерия таълим йўналиши битирувчилари ҳисобланади. Битирувчиларнинг 90 фоизи давлат ветеринария хизматлари ва хусусий секторларга ишга кириб, аҳолига ветеринария хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ва унинг филиалларининг ўқув жараёнларига 30 дан ортиқ хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари жалб қилинган. Таълим жараёнлари назарий билимларни амалиёт билан узвий боғлаган ҳолда олиб борилиб, университет ҳузурида республикада ягона бўлган ветеринария клиникаси фаолияти йўлга қўйилди.

Қўмита томонидан яратилган фан, таълим ва илмнинг ишлаб чиқариш билан ўзаро интеграцияси натижасида ўтган йил якуни бўйича йирик шохли моллар бош сони 14 142,4 минг бошга (2019 йилда 12 949,7), майда шохли моллар бош сони 24 118,3 минг бошга (2019 йилда 21 906,9), отлар 275 900 бошга (2019 йилда 247 071) ва паррандалар бош сони 103 046,5 минг бошга (2019 йилда 87 859,7) етказилди. 2023 йилнинг ўзида 2 833 254 минг тонна гўшт етиштирилди (2019 йилда 2 473 618). 11 968 746 минг тонна сут соғиб олинди (2019 йилда 10 714 327). 8 487 457 минг дона тухум (2019 йилда 7 771 161 дона) олинишига эришилди.

Яқинда Ўбекистон Миллий матбуот марказида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш: устувор вазифалар ва самарадорлик" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида шулар хусусида муфассал сўз юритилди. Қўмита масъуллари журналистларнинг саволларига батафсил жавоб беришди.

Ўз мухбиримиз

↘ 15 ноябрь – 15 декабрь – "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"

Аҳоли томонидан хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган, қўлбола, ностандарт газ жиҳозларидан фойдаланиш, газ тармоқларига резина шланг орқали уланиш, носоз ҳолатдаги дудбуронлардан ҳамда хонадон ичида очиқ оловдан иситиш мақсадида фойдаланиш ҳолатларининг учраб туриши бунда, табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, газ оқимининг бехосдан узилиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши содир бўлиб, фуқароларининг ис газидан заҳарланишига, ҳаттоки айрим ҳолатларда ҳалок бўлишига сабаб бўлмоқда. Ўтган йилларда республикамизда табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳамда ҳаво-газ аралашмаси натижасидаги чақнашлар билан боғлиқ бир қанча бахтсиз ҳодисалар юз берган. Содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг аксарият қисми фуқаролар томонидан газ ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасликлари ва қўлбола, ностандарт ясалган иситиш мосламаларидан, газ сурғичлардан фойдаланганлик оқибатида юзага келган.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

УЗОҚ УМР КЕЧИРАЙ ДЕСАНГИЗ, СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИНГ!

Аждодларимиз ўз ҳаёти давомида энг аввало озадагарчиликка, саромжон-саришта яшашга, озиқ-овқат маҳсулотларининг тоза, покиза сақланишига, улардан сифатли егуликлар тайёрлашга доимо риоя этганлиги сабаб ҳам узоқ ва соғлом умр кечирган. Сифатсиз, санитария-гигиена талабларига амал қилинмай тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ёмон оқибатларга олиб келишини яхши билган. Ҳозирчи, бугунги авлод бу масалага қандай қарамоқда?



Эркинжон МЎМИНОВ,
Давлатобод тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими санитария врачи.

Аҳолини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашдек хайрли ишни зиммасига олган фермер, деҳқонларимиз саъй-ҳаракатидан кўнгил тўладими, улар етиштираётган озиқ-овқат маҳсулотларига меъёридан ошиқ минерал ўғит, пицидлар солинмаяптими? Ҳосилни йиғиштириб олиш, қадоқлаш, бозор, савдо шахобчаларига етказишда санитария талабларига тўлиқ риоя қилиняптими, хонадонда егуликлар тайёрлашдаги тартиблар бузилмаяпдими каби қатор саволларга олинган жавоблар натижасидан қандай ҳаёт кечираётганимизни билиб олса бўлади.

Яхши биламизки, қанчалик соғлом овқатланиш талабларига амал қилсак, шунча узоқ, бахтли-саодатли умр кечирамиз. Овқатдан заҳарланиш, яъни ботулизм касаллигидан ўзимизни асраган бўламиз. Касаллик қўзғатувчилари озиқ-овқат орқали ва бошқа ёт моддалар билан заҳарланган маҳсулотларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касалланиш овқатдан заҳарланиш дейилади.

Овқатдан заҳарланишни турли хилдаги микроорганизмлар келтириб чиқаради. Айниқса, касаллик куз-қиш мавсумида кўп учрайди. Бунинг асосий сабабларидан бири уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотлари истеъмоли бошланади. Ботулизм касаллиги кўп ҳолларда консерваланган (помидор, бодринг, қўзиқорин, сабзавот) маҳсулотларни уй шароитида тайёрлаш оқибатида келиб чиқади. Масалан, қўзиқорин, сабзавот ва помидор, бодрингларни консервалашдан аввал яхши тозаламаслик, етарлича стерилизация қилмаслик натижасида масалликка тушган споралар беркитилган банкалар ичидаги кислородсиз муҳитда кўпаяди ва токсин ажратилишига қулай шароит яратилади. Инсон ушбу маҳсулотни истеъмол қилиши оқибатида овқатдан заҳарланиш ҳолати келиб чиқади. Микроб қўзғатувчиси тушган таом истеъмол қилинганидан бир неча соат ўтгач, беморнинг кўнгли айниб, қайт қилади. Ичи сурилади, бош оғриқ, кўзига ҳар бир нарсанинг иккитадан бўлиб кўриниши ҳолати пайдо бўлади. Бу каби ҳолатлар кузатилганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак бўлади.

Кўп ҳолларда ботулизм қўзғатувчиси билан зарарланган маҳсулотлар кўринишидан айниганга ўхшамайди. Фақат мазаси тахирроқ бўлиб, ранги, қуюқ-суюқлиги ўзгаради. Банка қопқоғи кўтарилгани кузатилади.

Бу каби маҳсулотдан касаликка чалинган бемор қанча эрта даволанишни бошласа, тезда соғаяди. Ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмаган касаллар узоқ даволанишга мажбур бўлади. Баъзи ҳолларда эса юрак пороги ва нерв тизимининг зарарланиши, ҳатто ногирон бўлиб қолиши, вафот қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам аҳоли қуйидагиларга эътибор қаратишлари зарур:

– уй шароитида консерва тайёрламанг!

– бозор ва савдо шахобчаларидан харид қилаётган маҳсулотлар сифати ва яроқлилик муддатига эътибор қаратинг!

– овқат ва консерваланган маҳсулотлар ранги, ҳиди ҳамда қопқоғида ўзгариш бўлганда асло истеъмол қилманг!

– доимо соғлом овқатланиш талабларига риоя этинг!

ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИБ ҚОЛМАНГ!

Ис газидан захарланишнинг олдини олиш мақсадидаги тарғибот-ташвиқот ишлари, ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш борасидаги огоҳлантиришлар ҳам айрим бефарқ юртдошларимизга ўз таъсирини ўтказа олмаяпди. Натижада фалокат рақамлари йилдан-йилга такрорланиб бормоқда.

ХЎШ, ИС ГАЗИ НИМА ЎЗИ?

Ис гази, фанда углерод оксиди деб юритилади. Рангсиз, таъмсиз, ҳидсиз заҳарли газ. Кимёвий формуласи - CO. Ис гази ер юзида энергиянинг жадал ишлатилишидан юзага келадиган, табиатда энг кўп тарқалган заҳарловчи газлардан биридир. Қазиб олинадиган ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги ис газининг бош манбаи бўлиб, у асосан кўмир, табиий газ ва бошқа ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги сабабли юзага келади. Ёқилғиларнинг тўлиқ ёниши учун ёниш жараёнида хаво (кислород) етарли миқдорда бўлиши керак. Ҳавонинг етишмаслиги оқибатида ёнилғи чала ёниб, ис газининг ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, аҳоли хонадонларидаги асосий ёқилғи тури ҳисобланган табиий газнинг бир метр куб хажмини тўлиқ ёқиш учун ўн метр куб ҳаво керак бўлади. Газ асбоби сурункали ишлатилганда эшик ва деразаларнинг зич ёпилишида, хона форточкасининг доимий очиб қўйилмаганида табиий газнинг ёниши учун керак бўладиган ҳаво миқдори камайиб кетади ва газнинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида ис гази ажралиб чиқади.

ИС ГАЗИ ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ?

Ис гази инсон организмига нафас йўллари ва нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ис гази нафас йўллари орқали организмни, хусусан, марказий асаб тизимини зарарлайди. Ис гази одам организмига бурун бўшлиғи орқали ўтиб, ўпкага келади. Ўпкадан қонга қўшилиб, қонда гемоглабин билан қўшилади. Натижада кислород етарли даражада инсон организмига етиб келмайди. Кислород кам келиши натижасида организмда "кислород очлиги" юзага келади.

Ис газидан заҳарланиш унинг ҳаводаги концентрацияси ва таъсир муддатига боғлиқ бўлади. Заҳарланиш енгил, ўрта ва оғир даражаларда бўлади. Ис газидан енгил ва ўрта заҳарланганда бош оғрийди, бош айланади, кўнгил айнийди, қувватсизлик – қўл ва оёқлар бўшашиб қолади. Оғир заҳарланганда эса қулоқ битиб қолгандай бўлади, фикрлаш қийинлашади, эс-ҳушнинг йўқолиши, баъзи вақтларда кучли ҳаяжонланиш турли тартибсиз ҳаракатлар қилиниши мумкин ва ниҳоят ҳушидан кетиш хусусиятлари кузатилади. Ушбу газ гемоглабин билан кислородга нисбатан 300 маротаба кучли бирикма карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Нафас олиш муҳитида ис газининг атиги 0,1 фоизли концентрацияси инсон организми учун ўлим даражасида хавфли ҳисобланади. Ис гази билан заҳарланган организмда углерод ва оқсил алмашинуви бузилади, натижада ацидоз аломатлари юзага келади. Қон таркибида калий ва кальций мувозанати ҳамда марказий нерв тизими фаолияти бузилади ва шу тариқа инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Ҳозирги кунда бозорларда, савдо дўконларида сотилаётган газда ишлайдиган ҳар хил турдаги газ ускуналари ёки бошқа иситишга мўлжалланган инфрақизил газ горелкалари чиройли, ихчам кўринишли, иситиш мавсумида ишлатиб, кейин уни бошқа жойга олиб қўйса бўладиган қулайликларга эгадир. Лекин ушбу газ ускуналари чет давлатларда ишлаб чиқилганлиги сабабли, уларни ўрнатиш ва фойдаланиш тўғрисидаги ҳужжатлар она тилимизга таржима қилинмаганлиги улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари билан танишиш имкониятини кўпинча бермайди. Ушбу қоидаларнинг таржима қилинмагани, ўзбошимчалик билан мутахассис кўрсатмасисиз, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларини бузган ҳолатда ўрнатилиши ҳам ис гази ҳосил бўлишига сабаб бўлмоқда. Куз-қиш мавсумида табиий газга нисбатан аҳоли эҳтиёжининг ортиши ва истеъмолчилар томонидан қўшимча газ сўриш насосларининг ўрнатилиши, айрим ҳолатларда газ тақсимлаш ускуналарининг қуввати аҳоли эҳтиёжига мос келмаслиги ёки носозлиги фуқароларимиз томонидан хонадонларни иситиш мақсадида турли хилдаги ёқилғи маҳсулотлари, ҳар хил турдаги иситиш ва газ ускуналаридан фойдаланишга бўлган эҳтиёжни оширади. Бу эса, ўз навбатида ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидалари талабларининг бузилишига ва натижада хонадонларда табиий газ ва ҳаво аралашмасининг чақнашига, фуқароларнинг ис газидан заҳарланиш эҳтимоли ошишига олиб келади. Хонадонларда ва бошқа биноларда ис гази ҳосил бўлмаслиги учун қуйидаги оддий қоидаларга қатъий амал қилиш зарур:

– иситиш мавсуми бошланиши олдидан печлар, қозонхоналар, сув иситиш колонкаларининг созлиги, мўриконларининг тозалигини текшириб чиқиш;

– носоз, ностандарт, қўлбола ясалган иситиш ва газ мосламаларидан фойдаланишга йўл қўймаслик;

– болалар ва имконияти чекланган кишиларни назоратсиз қолдирмаслик;

– табиий газдан фойдаланишда турли хилдаги резина шланглар, турли хил газ сўргичлардан фойдаланмаслик;

– чет давлатларда ишлаб чиқарилган иситиш мосламаларидан фақат йўриқнома билан яхшилаб танишиб чиққандан кейингина фойдаланиш;

– хона табиий газга тўлиб қолгани сезилганда газ плиталари ва иситиш печларини газ тармоғидан ўчириш;

– дарров эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатиш;

– хонада электр жиҳозларини ёқмаслик, ёниқ бўлса ўчирмаслик, чунки бу ёнғин ёки газ ва ҳаво аралашмасининг чақнашига сабаб бўлиши мумкин;

Ностандарт газ асбобларидан, сертификати бўлмаган, қўлбола тайёрланган иситиш печларидан фойдаланиш, газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланиш, газ асбобларини газ тармоқларига резина шланглар орқали улаш газдан бўғилиш, заҳарланиш, ёнғин ва портлаш каби бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлади.

Ачинарлиси, ушбу тадбирлар айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари, фуқаролар томонидан бажарилмаяпти. Бу тадбирларни бажариш истеъмолчилар учун шарт ҳисобланади. Ана шунда кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

Баҳодир ХОЛИҚОВ,
"Ҳудудгаз Жиззах" газ таъминот филиали директорининг биринчи ўринбосари,
Акрам ҲАКИМОВ,
"Ҳудудгаз Жиззах" газ таъминот филиали Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бўлими етакчи муҳандиси.

БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Мактабгача таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлиги, болаларга ёнғин содир бўлганда ўзини тутиш қоидаларини ўргатиш, биноларни ёнғиндан ҳимоя қилишга алоҳида этибор берилиши керак.

Болаларда 3-7 ёшдан бошлаб, ёнғинга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кўникмаларини ривожлантиришлари керак. Маълумки, ёш болалар билимларни анча осон ва чуқурроқ ўзлаштирадилар ва катталарнинг тушунтиришлари намойишлар билан бирга бўлса, маълум кўникмаларга эга бўладилар. Ёнғинга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кўникмаларини ривожлантириш учун болаларда эрта ёшдан бошлаб меҳнатга интизом ва тежамкорлик муҳаббатини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Болага энг кучли таъсир - бу сўзлар ва ахлоқий таълимотлар эмас, балки каттаёшли инсонларнинг намуналари. Катталарнинг ўзлари доимо оловдан эҳтиёт бўлишлари ва болаларнинг у билан ўйнашига ёл қўймасликлари болага маълум даражада таъсир қилади. Болаларда ёнғинга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига сўзсиз риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш ушбу муаммони ҳал этишнинг йўналишларидан биридир.

Шу муносабати билан Чилонзор тумани ФВБ ҳодимлари томонидан "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбири дастурида Чилонзор туманида жойлашган 267-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотида тушунтириш ва кўргазмали амалий машқлар орқали профилактик тушунтириш ишлар олиб борилди ва тумандаги 12-ЁҚҲда очиқ эшиклар куни ўтказилди.

О.РАҲИМЖОНОВ,
Чилонзор тумани ФВБ Пва НБ инспектори, катта лейтенант.

Муҳайё Ўроқова қаламини кун сайин чархлаб келаётган ижодкор. Унинг бунгача шеърий тўплами ва болаларга аталган китоблари нашр этилган. Касби педагог, бошланғич синф ўқитувчиси Муҳайё Ўроқова адабиётга, журналистикага бегона эмас. Бадиий асарлари, мақолалари мамлакатимизнинг кўплаб нашрларида мунтазам чоп этиб келинади. Хусусан, унинг қишлоқ одамлари ҳаёти, уларнинг ўзига хос одат ва анъаналари борасидаги ижодий ишлари “Қишлоқ ҳаёти” газетамиз муштарийларигаям анча манзур бўлиб келаяпти.

Бугун эса унинг айнан шу мавзудаги китоби – “Ипак ришталар” “Rennesans press” нашриётидан босилиб чиқди. Эътироф этилганидек, ундан қишлоқ одамларининг ҳаёт тарзи, айниқса, улардаги ўзгача хислатлар яъни ўзаро меҳр-оқибатлилик, шу меҳр-оқибатнинг ҳам ўта самимий кўриниши қаламга олинган.





Байроғимиз – миллат ифтихори.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

↘ *Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИНИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЎТКАЗАЙЛИК!

Юртимизда жорий йилнинг 15 ноябрь – 15 декабрь кунлари “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги”ни ўтказиш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Профилактик тарғибот-ташвиқот учрашувлари мунтазам ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида маҳаллабай уйма-уй тарғибот-ташвиқот ишларида шаҳар бўйлаб фуқароларга 23 мингдан ортиқ тарқатма материаллар берилди. Ижтимоий соҳа объектлари, маҳаллалар, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик субъектларида ва қурилиш объектларида кенг қамровли профилактик учрашувлар ташкил этилмоқда. Туманларда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Корхона ва ташкилотлар, уй-жойларнинг техник ҳолати, ёнғин хавфсизлиги масалаларини кўриб чиқиш, газ, энергетика, сув хўжалиги ва иситиш мосламаларининг ҳолати ва созлигига алоҳида эътибор қаратиш, ёнғин хавфсизлиги меъёрлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича пухта текширувлар ўтказиш, ёнғин рўй беришига йўл қўйган раҳбарларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсир чораларини кўриш, объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини ёнғин ўчириш техникаси, асбоб-ускуналар ва анжомлар билан таъминлаш, ишчилар, хизматчилар, таълим муассасалари ўқувчилари ва аҳоли ўртасида ёнғинга қарши тарғибот ўтказиш ва ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш ишларини кучайтириш, жамоатчиликни ёнғинларнинг олдини олиш тадбирларига кенг жалб этиш кабилар шулар жумласидандир. Булардан кўзланган мақсад, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъий назар бошқа ташкилотлар, уларнинг ходимлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар ва фуқароларнинг бу борада фаол ва ташаббускор бўлишини таъминлашдир.



Б.МАНСУРОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ ШСП бўлими бошлиғи, подполковник.

↘ *Эълонлар*

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси” давлат муассасаси бош пудратчилигидаги қуйидаги объектга ёрдамчи пудратчиларни аниқлаш учун ўтказилаётган тендерга иштирокчиларни таклиф этамиз:

Объект номи: “Бухоро вилояти Бухоро шаҳри М.Ашрафий кўчасида жойлашган “Садриддин Айни” мусиқали драмма театрини таъмирлаш-тиклаш ишлари”

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – **38 984 278 549 сўм** *(шундан 2024 йилда ҚҚС билан – 8 000 000 000 сўм қолган ҚҚС билан 30 984 278 549 сўм манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилиб, буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг молиялаштирилади).*

Ишларни тугаллаш муддати – **365 кун.**

Харид тури – **очиқ тендер.**

Объектни молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Бош пудратчи: “Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси” давлат муассасаси.

Манзил: Тошкент шаҳри Мирободтумани Т.Шевченко кўчаси 1-уй.

Тендер иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

– доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

– ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

– ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

– ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

– бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

Тендерда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги иштирокчиларга тендерда иштирок этишга рухсат берилмайди:

– қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

– мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Иштирокчилар танишиб чиқиш ва тендер таклифини тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида тендер ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек, унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианти)ни тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Иштирокчилар таклифлари ташкилотчи томонидан қуйидаги манзилда, иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Тендер ташкилотчиси "STROY KONSALTING SERVIS" МЧЖга оферталарни тақдим этишнинг охирги муддати – оферталарни очиш куни ва вақтигача қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри Миробод тумани Шаҳрисабз кўчаси 16“а”-уй манзилдаги офиси (мўлжал: “Агросаноатлойиҳа” МЧЖ маъмурий биносининг 504-хонаси). тел:+99891 018-75-57.

Талабгор томонидан белгиланган тартибда тендер ҳужжатларини олиш бўйича буюртманома тендер ташкилотчисига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилади.

Тендер ҳужжатлари битта тўпламининг нархи – 2 500 000 сўм

Таклифларни топшириш тендер иштирокчисининг тендер ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш эълон газетада чоп этилганидан камида ўн икки иш кунидан сўнг ўказилади.

Ушбу эълон, мазкур объект бўйича 2024 йил 11 июлдаги “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 28(9296)-сонида берилган эълонни янгилаш учун берилмоқда.

“Toshkent qo’g’irchoq ishlab chiqarish” масъулияти чекланган жамияти ўзларига тегишли, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, “LASETTI” автомашинаси сотилишини эълон қилади. Манзил:Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Дўмбиробод кўчаси 74 уй. Мурожаат учун тел:+998974241292

↘ *Реклама ва эълонлар*



Абдукадирова Зухра Тулабергеновна номига 1994 йил 25 майда 09-02/7510 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	Солодовникова Фягима Назимовна номига 1992 йил 17 декабрда 10-02/1275 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
Тиллахаджаева Гуларам Камиловна номига 2005 йил 9 февралда 10-01/23002 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	Фильчаков Леонид Егорович номига 1993 йил 15 мартда 10-01/16611 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1117. 1020 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.55